

Аристотель айтишича, лирикада автор «бутун хикоя давомида» ўзлигича «колади». Аристотель бу фикрни Пиндар, Вакхилид, Алкей, Сафо каби лирик шоирлар ижодига сяниб айтган.

Лирика атамаси, милоддан олдин, III—II асрларда Плутарх ва Цицерон асарларида учрайди, у «лира» номли чолгу асбоби номидан олинган. Кадимги юоннлар кўшикни шу соз жўрлигига айтар эдилар.

Форобий айтишича, шеърда мулохаза айтилади, яхши шоир мулохазакор бўлади: лирикада яхшилик ва ёмонлик курашади, ахлок ва рухий кайфият акс этади. Лирика инсонни ёмонликдан кайтариб, яхшиликка йўллаши керак. Бунда унга хаёл ва тасаввур лозим бўлади. Унингча, яхши шеър бизга хузур беради. Форобий Аристотелнинг «Поэтика»сига ёзган шарҳида дейдик, лирика хам хаётнинг ўхшашини яратиш санъатидир, ўхшashi тимсол, рамз, хозирги замон тилида образ демакдир. Форобий англашича, «шеър санъатини безайдиган нарса сўз»дир, «шеърий санъат конун-коидаларига эга бўлади, у вазнли ва кофияли, байтлари бир-бирига хамоханг нуткдир. Форобий «Шеър китоби», «Шоирлар санъати конунлари хакида» деган шарҳларида бу хакда тўла маълумот берган.

Абу Али Ибн Сино Аристотелнинг «Поэтика»сига ёзган «Шеър санъати» деган шарҳида дейдик, шеър вазнли, кофияли, ритмли, мутаносиб бўлади; сўз ўз мусикасига молик бўлиб, одамларни таажжублантиради, хиссиятга чоғлайди.

Аммо Форобий хам, Ибн Сино хам адабий турлар тўғрисида аник бир нима демаган. Алишер Навоий девонининг дебочасида лирикани кўнгилни бўшатиш воситаси, шархи холат деб тушунди, лирикада субъективликка таяниш хусусиятини англаб етди. Бу хол Гегелгача бўлган жаҳон илмида мухим воқеа эди.

Бундай хусусият Бобур ва Нодира учун хам хос. Мукимий ва Фуркат шоирлар олдига реалистик ва халкчил талаблар кўйди.

Гегель лиrikанинг Аристотелдан кейинги энг йирик назариётчиси эди. У эпос, лирика, драмани энг кенг изоҳдаб бериш билан бирга шеърнинг субъектив нуткка сянишини таърифлади. Унингча, лирика мусикадан ўлчовдорлик ва ритмдорликни, кўнгилга якинлик ва хушохангликни олди ва уларни тушунарли маъно билан кўшди. Унинг айтишига караганда, икки дунё лирикада ўзини хис этади, бу дунёнинг тасаввурлари онг ривожини таъминлайди; субъектнинг ўзи миллий хаётнинг хамма йўналишларига тегиб ўтади. Акси эса лирикдир. Гегель ички дунёнинг лирикада яхлит бўлиши гоясини илгари сурди.

Лиrikанинг Гегелдан кейинги улкан назариётчиси В.Г.Белинский эди. У дейдик, лирика хис оркасида турган фикрдир; фикр хиссиз айтилса, совук бўлади, у акл ўргатувчи соҳа эмас, у уни эшитган одамда хам хиссий фикр кўзгайди; шеър айтиш, куйлаш ё ўкиш учун ёзилади, шу сабабли, у охангдор бўлмаслиги мумкин эмас. Бир нарсани шеърий, эпик ё драматик тарзда ёзиш кераклигини мавзу ва хаёт материали хал килади, шеърий ёзишни хаётдаги шоирона лахзалар «танлайди; шеърни хикоя килиб ё изоҳлаб бўлмайди, уни эшитсанг, у ўзини маълум килади, чунки у гўё мазмунсиздай сезилади. «Поэзия санъатнинг юкори туридир». Лирика поэзиянинг асосидир, у «поэзиянинг поэзиясидир», у лиризмга айланиб, бошка адабий турларга хам кириб боради, у танада айланиб юрувчи конга ўхшайди. Лирик асар аксар киска бўлади. У чўзилса, эшитувчини чарчатади ва зериктиради. Лирика ташки таъсир, вазият оркали

хосил бўлувчи ички, рухий реакциядир.

Навбатдаги назариётчи К.Бюхер эди. У лирикадаги ритм меҳнат жараёнидаги ритмдан олинганилигини асослади.

А.Н.Веселовский К.Бюхердан кейин яшаган катта назариётчи. Унингча, лирика маросим кўшикларидағи накаротдан келиб чиккан.

Ўзбек олимлари республикада адабиёт назариясининг асосчиси Иззат Султонга издош бўлиб, кўп асрли бой ўзбек миллий лирикасини лирика назарияси асосида етарлича эстетик таҳдил килиб бердилар.

Хуллас, лирик тур, лирика хусусиятлари асосан тўртта:

1. Лирика ва эпосда хам объектив ва субъектив дунё акс этади, лекин эпосда биринчиси, лирикада иккинчиси биринчи ўринга чикади. Чунки лирика ўз-ўзини ифодалашдир, аммо дунё лирикага лирик қаҳрамоннинг онги орқали ўтади, «мен» тилидан аён бўлади. Лирикада воеабанддик кучайиб, бу соҳани ўз ўзанидан чикариб бормокда, аммо лирикани ўз асл ўзанига кайтариш йўналиши устундир.

2. Лирика эмоционал-хиссий (медитатив) фикрлашдир, яъни у ички олам, калб диалектикаси аксиdir. Дунёдаги зиддиятлар дилга кўчади ва улар кўнгилга ўтади; лирика ички поэзиядир, рухий холат ойнасидир. Шоирнинг ички, маънавий дунёси бой, кенг ва теран бўлса, унинг лирикаси хам худди шундай холга келади.

3. Эмоционал-хиссий фикрлаш шахсий кечинма тусини олади, яъни лирика негизида кечинма туради, хаёт шеърда кечинма шаклида акс этади, кечинма лирик таъриф ва лирик образга айланади, шу сабабли, шахсий кечинма ўзига хос ва типик тарзга киради, одамлар бу кечинмада ўзини кўради, уни ўзиники килиб олади. Баъзи шоирнинг кечинмалари хаётга нисбатан тор, баъзиларники кенг бўлиши мумкин. Кечинмалари бой, теран шоир лирикасининг халкчиллиги ва умуминсонийлиги ортади.

4. Эмоционал-хиссий фикрлаш хис ва фикр муносабати маҳсулидир. Хаёт доимо шоирда кувонч ё нафрат хиссини кўзгайди, хис эса аста-секин фикр ва хulosага айланади. Хис кўнгилдаги тўлкинланиш хосиласидир. Шеърдаги хис тингловчида хам худди ўшандай хис тугдиради. Бу эса шеърдаги бадиий идрок ва эстетик таҳлил хамда лирик умумлаштиришдан келиб чикади.

Хиссий фикрнинг мифологик, романтик, реалистик шаклларини кўриш мумкин.

XV аср олими В.Табризий айтишича, шеърият учга бўлинади. Улар касида, маснавий ва мусамматдан иборат, мусаммат мусаллас (учлик)дан муашшаргача (ўнликкача).

1. Хозирги замон ўзбек лирикаси жанр жихатдан тасниф килинган. Унга кўра, мазмун ва шакл дастак килиб олинган. Лирик жанрлар мазмунан уч гурухга ажралади:

а) «эстетик белги, пафос ва муайян мазмун йўналишига асосланадиган жанрлар». Улар куйидагича: марсия, элегия, инвектива, бахс, хасбихол, сокийнома, топишмок, касида, муаммо, тарих, хат, манзара, монолог, багишлов, васият, васф, назира, дебоча, фахрия; б) «асосан мусика жанри хисобланса-да, адабий матнга хам суюнган жанрлар: романс, канцата, марш, сюита, кўшик, мадхия (гимн);

в) оғзаки ва ёзма лирикада кўлланиб келинган жанрлар:  
алла, ёр-ёр.

2. Шакл жихатидан, бу жихат хам куйидаги уч гурухга бўлинади:

а) шакл мазмундорлиги ва тузилишига кўра: мустазод, айтишув, сонет, мувашшах, мушоира, ширу шакар, китъа, газал, туюк, рубоий, маснавий, фард, таркибанд, таржибанд, ўрама, шоирий, тирада, турли бандли жанр, ок шеър, сарбаст;

б) мисра сони ва композицияга кўра: мусаллас, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба,

мусамман, тасниъ, муашшар;  
в) кайта ташкил топиш (трансформация)га кўра: китъай, кесишган, таронаий, рубоиёна.  
Такрорланиш, етук образлар юзага келиши учун дастак бўлиш, такомиллашув лирик  
жанрларнинг мухим белгиларидир. Айрим жанрлар у халқдан бу халкка ўтади; миллий  
поэзияда бошлангич боскичда, ривожда ё камолотга эришган холатда бўлиши мумкин.  
Мазкур адабий тур, лирикада акс этадиган инсоний хис-туйгуларнинг, ўй-фикрларнинг  
нихоятда ранг-баранглиги сабабли жанрларга бойдир. Антик (кадимги) поэзияда лирика  
жанрлари сони бирмунча чекланган эди. Бирок классицизм вакилларининг лирика  
соҳасига катъий конунларни татбик этишга, уни муайян колипга солиб кўйишига  
уринишлари кейинрок бехуда бўлиб чиқди. Лирика жанрлари улар томонидан ода,  
элегия, сонет, канцона сингари жанрларга, сатира ва мадригалга бўлинади.  
Айрим адабиётшунослар лирикани жанрларга бўлишда ундаги хис-туйгулар ва  
ўй-фикрлар мазмуни ва ифодаси шакли инъикоси тарзидан келиб чикмай, мавзуларга  
суянганлар. Бундай тамойил мазкур адабий турни фалсафий лирика, ватанпарварлик  
лирикаси, сиёсий ёки фажданлик лирикаси, мухаббат лирикаси каби кўринишларга  
бўлишни такозо этган. Аммо бу жанрга ажратиш эмас, чунки унинг қўлланиши  
нати-жасида масаланинг мураккаб, умумий ва ўзига хос томонлари эътибордан четда  
колиб кетади. Алишер Навоийнинг «Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади» деб  
бошланувчи шеъри мухаббат лирикасига киради. Лекин у газал жанрига тааллукли.  
«Жанрни бутунисича у ёки бу адабий турга мансублиги, шунингдек, хос бўлган эстетик  
белги асосида ажратадилар. Аммо бу етарли эмас, учинчи тамойил — хажм ва асарга  
мос келувчи умумий тузилиш хам керак, хажм кўп жихатдан икки момент — тур ва  
эстетик уйгунлик билан боғлик».  
Анъанавий ва илмий тамойилдан келиб чикиб, лириканинг айрим жанрлари билан  
танишиб ўтамиз.